

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН – ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

Тирик, мағрур, ҳақ сўз қуролимиз бўлсин!



Ватан яғонадир,
Ватан биттадир

– 2022 йил—Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили –
Ассалому алайкум, азиз муштарий!

ЎСТИҚВОЛ ҲО‘ЛИ

Қўштепа туманининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

1943 йил 6 мартдан чиқа бошлаган

www.istiqbolyuli.uz

istiqbol.43@mail.uz

2022 йил 4 июл № 24 (8421)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Халқимизнинг қадимий ва бетакрор байрамларидан бири бўлган муборак Қурбон ҳайитининг мазмун-моҳиятида мужассам бўлган инсонпарварлик, эзгулик, шукроналик ва меҳр-оқибат сингари аънава ва қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда кенг тарғиб этиш, ушбу улуғ байрамни мамлакатимизда муносиб нишонлаш мақсадида:

1. Жорий йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 9 июль – шанба кунига тўғри келиши тўғрисида Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгаши томонидан қабул қилинган қарорни инобатга олиб, мамлакатимизда 2022 йил 9 июль куни Қурбон ҳайити байрами сифатида кенг нишонлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 декабрдаги “2022 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиغان кунларни белгилаш ва

дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида”ги ПФ–35-сон Фармони билан 2022 йил 11-12 июль кунлари дам олиш кунлари сифатида белги-ланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Қурбон ҳайити халқимизнинг миллий ва диний аънаваларига мос равишда ўтказилиши учун тегишли чоратadbирларни амалга оширсин.

3. Туризм ва маданий мерос вазирлиги Транспорт вазирлиги билан биргаликда юртдошларимиз учун Қурбон ҳайити кунларида мўтабар ёдгорлик ва қадамжоларга зиёратларни ташкил этиш мақсадида қулай шароит ва имкониятлар

яратсин.

4. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тadbирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси М. М. Камиллов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон
Республикаси Президенти
Шавкат МИРЗИЁЕВ.
Тошкент шаҳри,
2022 йил 1 июль



ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI DAVLAT GERBI QABUL QILINGAN KUNNING 30 YILLIGI

Жорий йилнинг 1-июль кунини туман Маданият марказида Ўзбекистон Республикаси Davlat Gerbi qabul qilinganligining 30 yilligi munosabati bilan “Olamni mahliyo aylagan diyor” shiori ostida tantanali tadbir tashkil etildi. Ushbu tadbirda tumandagi 4 ta sektor rahbarlari, tuman Adliya bo'limi mutasaddilari, barcha tashkilot va muassasa mas'ul hodimlari hamda xotin-qizlar va yoshlar vakillari ishtirok etdi.

Tadbirni tuman hokimi I. Novikov ochib berdi va Davlat Madhiyasi yangradi.

Tadbir davomida davlatimiz ramzi bo'lgan Davlat Gerbining yaratilish tarixi va o'rni to'g'risida tuman Adliya bo'limining mas'ul hodimi Zokirov Iqboljonning ma'ruzasi eshitildi.

Shuningdek tadbirda tuman hokimi I. Novikov 27-iyun “Jurnalistlar kuni” munosabati bilan “Mehnat shuhrati” ordeni bilan taqdirlangan ustoz jurnalist Xadichaxon Karimovani ko'p yillik samarali mehnatlari tufayli erishgan mukofoti bilan tabriklab esdalik sovg'alarini topshirdi.

Tadbir davomida tuman Madaniyat uyi san'atkorlarining Ona vatanimizni ulug'lovchi kuy va qo'shiqlari, maktabgacha ta'lim tashkilotlaridagi iqtidorli va iste'dodli tarbiyalanuvchilarning badiiy chiqishlari, ijodiy-madaniy masalalar bo'yicha targ'ibotchilarning Ona yurtimizni ulug'lovchi she'rlari tadbirga ko'tarinki ruh baxsh etdi.

ЮКСАК МУКОФОТ МУБОРАК БЎЛСИН!



Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабати билан Президентимизнинг 27 июндаги фармонларига биноан мамлакатимизнинг бир гуруҳ фидойи ижодкорлари давлатимизнинг юксак мукофоти билан тақдирландилар. Улар орасида таниқли журналист Хадичахон Каримованинг “Мехнат шухрати” ордени билан тақдирлангани кўпминг сонли муштарийларни мамнун этди.

Ўтган ҳафтада туман Ёшлар марказида Ўзбекистон Герби қабул қилинганининг 30 йиллигига бағишланган тadbir жараёнида туман ҳокими Илёсбек Новиков деярли эллик йиллик умрини туман матбуотига бахшида этган ижодкорни самимий табриклаб, янада юксак ижодий парвозлар тилади. Захматкаш қалам соҳибасини

жамоамиз номидан юксак мукофот билан қутлаймиз. Умрингиз зиёда бўлсин, устоз!

Хали фармон эълон қилинмай туриб, “Фаргона ҳақиқати” газетасида устоз ҳақида “Журналистлик–касб эмас, руҳий эҳтиёж” сарлавҳали эссе ёритилганди. Газетамизнинг ички бетларида уни кўчириб босишга жазм этдик.

УШБУ

2

* Сен юртнинг ишончсан,
шижоаткор ёшлик!
* “Журналистлик – касб эмас,
руҳий эҳтиёж”

СОНДА:

3

* Чилтишининг аҳамияти
* Жаҳон айвонида
* Эълонлар!

4

Сабоқ бекати
* Аҳли дониш дейдиларки...
* Ақл-ақлдан қувват олар
* Билиб қўйган маъқул

Ёшлар куни кенг нишонланди

СЕН ЮРТНИНГ ИШОНЧИСАН, ШИЖОАТКОР ЁШЛИК!

Ёшлар юрт эртаси, келажак ишончи, тараққиёт таянчидир. Шу боисдан ҳам бугун ёшларга бўлган эътибор катта. Уларни ҳар соҳада қўллаб-қувватлаш, амалий ёрдам бериш ҳамда рағбатлан-тириш аъло даражада йўлга қўйилган. Ту-манимиз Ёшлар маркази биноси қаршисида Ёшлар куни муносабати билан ўтказилган тадбир дастури ҳам ана шундай эзгу ниятларга хизмат қилди. Дастлаб бу ерда ҳо-зир бўлган ёшларни туман ҳокими Илёсбек Новиков Ёшлар куни билан самимий муборақбод этди.

Файратли, салоҳиятли, билимли ва спортчи ёшлар ўзининг қобилияти, ташаббускорлиги билан "мана



мен" деб катта давраларда ўзини кўрсатмоқда. Мана шундай иқтидорлилар орасида Бобур Оббосов, Лачинбек Тожиматов, Жасурбек Рашиддинов, Азизахон Абдураҳимова, Сокинахон Муллажонова, Мадина Мусабоева каби умидли



ёшларимиз юзлаб топилди.

Аслида ҳам шундай кенг имкониятлар эгаси сифатида ёшларимиз бунданда катта ютуқларга эришмоғи, янада улкан марраларни кўзламоғи лозим. Тадбир бошида бошловчилар томонидан ўқилган исм-шариф эгалари маълум йўналишлар бўйича тақдирландилар. Унга кўра Рўзиматжон Райимов, Бекзод Асқаров, Аббор Усмонов, Фахриддин Усмонов, Оятилло Тўхтаралиевлар "5 ташаббус Олимпиада" доирасида ўтказилган Заковат турнири туман босқичи ғолиблари деб топилди. Ҳоким уларга ўзининг диплом ва эсдалик совғаларини топширди. Сарвинозхон Алижонова, Дилдора Тўхтасинова, Давронжон Низомиддинов, Ёрқинжон Сўпижоновлар эса спортнинг стол тенниси мусобақаси туман босқичи ғолиблари сифатида тақдирландилар. Мана шундай совриндорлар қаторида Элмуроджон Абдухамидов Республика миқёсида ўтказилган "Энг намунали ёшлар етакчиси" танловининг туман босқичи сов-

риндори бўлди. Шу билан бир қаторда Деҳқонобод МФЙ етакчиси Дилрабо Орифжонова, Пахтакор МФЙ етакчиси Соҳибжон Низомов, Янгиариқ МФЙ ёшлар етакчиси Умиджон Хатамов, умуман 15 нафар



ёшлар етакчилари фаол хизматлари учун рағбатлантирилдилар. Эътироф этилганлар жами ҳисобда 46 нафарни ташкил этади. Уларнинг барчасига туман ҳокими Илёсбек

Новиков диплом ва эсдалик совға топширди.

Тақдирлаш маросими маданият ходимларининг чиқишларига уланиб кетди. Санъаткорларнинг ёшларбоп шўх кўшиқлари барча йиғилганларни рақсга чорлади.

–Биз бугунги байрам тадбиридан жуда катта рағбат олдик, –дейди 20-умумтаълим мактабини олтин медалга тамомлаган Маликахон Қўлдашбоева. –Мана шундай тадбирлар, тақдирлашлар биз каби ёшларни яна олға қадам ташлашга ундайди, олдимишга янада каттароқ мақсад қўйиш ва унга интилишимизга куч бағишлайди. Бугун мамлакатимизда ёшларни маънавий етук ва жисмонан соғлом, ватанпарвар ва фидойи этиб тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ёшлар ҳам бу эътибор ва эътирофдан чин маънода тўғри, унумли фойдаланиб,

ўзларининг бутун салоҳияти, куч-ғайратларини шу азиз юртимиз тараққиётига бахшида этишлари керак.

Илҳомжон СОБИРОВ.

Айтмоққа, қойил демоққа осон, аслида. Аммо журналистиканинг "қаттиқ нони"ни ейиш, таъбир жоиз бўлса, бу майдон ичра яшаб қолишнинг ўзи ҳар қандай ижодкордан кучли матонат, соҳага улкан муҳаббат талаб этади, у ўз виждонининг итоатгўйи, ҳақиқатпарвар ҳисларининг хизматкори, айниқса, инжа қалбли аёл бўлса, инчунун! Хадича опа буни ирода ва сабот билан уdda қилиб, бугунги Фарғона матбуотини яшатиб, умрзоқ этиб келаётган аёл журналистларнинг онабошиси, шубҳасиз.

Бугун у етмиш ёш ҳикмати билан орта боқмоқда. Минг шукурки, у ортида "Тирик, мағрур ва ҳақ сўз қуролимиз бўлсин!" дегувчи юрагининг минглаб газета қатларига жо бўлган парчаларини, ёзганлари билан ёруғ бўлган юзини кўради, юртнинг, одамларнинг меҳр ва ихлосига топинади...ўтган ва ўтаётган умридан рози бўлади!

...Ҳали журналистлик нима эканлигини яхши англамай туриб, у билан боғлиқ орзулар қилганида ўсмир эди. Кейинчалик ўн саккиз ёшли қиз Қирғизистоннинг Ўш вилоятининг "Ўш садоси" газетасида ишлаб юрди. Унинг қалбидаги ёзишга бўлган муҳаббат чўғини аланга-

латган устози, раҳматли Мирзоҳид Мирзараҳимовнинг "оқ йўли" билан Тошкент давлат университетининг журналистика факултетига ўқишга кирди. Дорилфунундаги мағзи тўқ сабоқларнинг ўзигина уни журналист қилиб тарбиялаб қўймаслигини яхши биларди, ўзига ҳаммадан кўп талабни унинг ўзи қўйди. Кўп қатори эмас, ўзига хос

накам журналист, ҳақ ва мағрур сўз ҳимоячиси бўлганлар. Менга касбимизнинг асл залворини, айнан журналистика мезони деб билганимиз "тутаб яшасанг, бу майдон ичра турма!" деган ақидани теран англаган устозим ҳам айнан улар,–дейди қаҳрамонимиз.

Ўшнинг дилбар қизи Марфилонага келин бўлиб туши-

мияти йўқ, муҳими, айтар сўзи эгасини топиб борсин экан. Унинг сўзлари вилоят, республика миқёсида ҳам ўз ўқувчисини топа олди.

Каримовлар қирқ уч йилдан кўпроқ давр ҳам оилада, ҳам ижодхонада маслақдош бўлдилар, "икки ёрти–бир бутунлик" толейини кўрдилар. Уларнинг жуфт юраги бахтдан ҳаққирган, шунинг баробарида, турфа дард-у таш-

римова уларни соҳага кириб келаётган ёшларга талабчанлик билан ўргатади. Унинг журналистика мактабини озми-кўпми ўтаган ёш қаламкаш сифатида уққан биринчи ҳақиқатим шуки, ижодкор газетани шунчаки тўлдириб учун ёзмайди, ундаги ҳар бир жумла, ҳар бир сўзнинг ўз "юк"и бўлиши шарт. Иккинчиси, газетхонни бездирадиган сийқа сўзлар мақо-

Эссе

"ЖУРНАЛИСТЛИК–КАСБ ЭМАС,

Хадичахон Каримова. Бу ном матбуот саҳифаларида қайд этила бошланганига эллик йилдан ошди. Ярим асрди, ёниқ юракли журналист, сўз ва қалам маҳбубасининг умри газета тақдири билан туташ ўтаёттир.

бўлиш, ўз қалами, ўз сўзини топиш учун интилди. Хоҳ Ўш, хоҳ Қўштепа, хоҳ Фарғона бўлсин, матбуот билан яшадан, унинг баъзан шитоб, баъзан оғир қадамларига шерик бўлди. Не бахтки, ўзи каби "журналистика учун туғилган" инсон билан тақдирдош бўлди.

–Муталибжон Каримов менинг фамилиядош курсдошим бўлганлар. Менда таъсирчанлик, у кишида эса қатъият, мулоҳазакорлик устувор эди. Ҳозиргача тан оламан: Муталибжон ака чи-

шида ҳам ҳикмат бор эканки, Хадича опа йиллар ўтиб Фарғона матбуотида жон томири билан боғланди. Бундан қирқ тўққиз йил аввал "Истиқбол йўли" газетасига бўлим мудури этиб тайинланди. Кейинчалик муҳаррир ўринбосари, бош муҳаррир сифатида меҳнат қила бошлади. Аввалига туғёнлари туман миқёсида чоп этиладиган нашрга сиғмаётгандай туюлди. Бироқ иқрор бўлдики, газетанинг қаерники бўлиши, журналистнинг қаерда туриб ёзишининг аҳа-

вишлар гирдобиди бирга қовурилган дамлар ҳам кўп бўлди...

Хадича Каримова жамиятдаги иллатлар ҳақида очик, дадил ёза олишини кўпчилик яхши биларди. Пахта сиёсатининг оғриқлари одамлар жонидан ўтган йиллардан бирида матбуотда унинг имзоси билан "Яшашга шошилиш, одамлар!" сарлавҳали публицистик мақола чоп этилди. "Каттакон"лар бошига яшиндай урилган мақола ортидан муаллифни анча "нари-бери" қилганлари, қаламини синдиришга уринганларини Хадича опа яхши эслайди.

Матбуот иши масаласида ўзининг қатъий мезонларини ярата олган Хадича Ка-

лани ҳам, муаллифни ҳам обрўсизлантиради. Учинчиси, ўз имзосига масъулият журналистни кучли бўлишга мажбур қилади.

Устоз бу талабларнинг ба-рига амал қилиб яшади. Шу боис ҳам бугун Хадича Каримова имзоси билан берилган мақолаларни газетхонлар кутиб, топиб ўқийди ва уларнинг ўқишли эканлигига олдиндан ишониши, бежиз эмас.

Хадича Каримова Қўштепа тумани ҳокимлиги муассислигидаги "Истиқбол йўли" газетасида чоп этилишига қарийб ўттиз йил бош-қош бўлди. Шу давр ичида газетанинг нафақат вилоятда, балки республика миқёсида ҳам мазмундор нашр сифа-

Чилпиш (чеканка) – ғўза парваришида энг муҳим тадбир

Республикамизда ҳаво ҳароратининг юқори даражаларда исиб кетиши фермерлар ва соҳа мутахассисларидан ғўза парваришига алоҳида масъулия билан ёндошишни талаб қилади.

Маълумки, ғўзани оптимал муддатларда чилпиш ғўзанинг ривожланиш жараёнини яхшилаши, ўсимлик ер юзасидаги қисмида тўпланган пластик моддаларнинг ҳосил элементларига йўналтириши, ғўза ўсув нуқтаси ва ён шохларида ҳосил элементларининг кўпайиши, кўсақлар сони ва вазнининг ортиши билан бир қаторда ўсимликнинг ноқулай об-ҳаво шароитларига чидамлигини оширади.

Вилоятимиз пахта майдонларидаги ғўзанинг ҳозирги ҳолати, яъни чигит эрта экилган майдонларда ғўзаларида 15-16 ва ундан ортиқ ҳосил шохи, 5-6 тадан бўлиқ кўсақ, 25-30 тагача ҳосил нишонларининг яратилганлиги чилпиш тадбирини қисқа муддатларда якунлашни тақозо этмоқда.

Июл ойида ғўзанинг илдизи кучли ривожланиши, тупроқда намлик ва минерал ўғитларнинг етарли бўлиши туфайли ўсимлик тупроқдан ўзлаштираётган озуқа моддалари унинг бўйига зўр бериб ўсишига, барглари сони ва ўлчамининг ортиши, ғовлаб кетиши, натижада ғўза тупидаги шона, гул ва кўсақларга озуқа элементлари камроқ етиб боришига олиб келади. Бу эса ҳосил элементларининг тўкилишига, кўсақларнинг кичик ва вазни кам бўлишига, кеч очилишига, зарарли ҳашаротларни, айниқса, кўсақ куртини кўпроқ жалб қилишига, оқибатда ҳосилнинг камайиши ва тола сифатининг пасайишига олиб келади.

Ғўзанинг ғовлаб ва ортиқча ўсиб кетишига йўл қўймастик, озуқа моддаларини ўсимликнинг ҳосил органларига қайта тақсимлаш, ҳосил элементларининг тўкилишини камайтириш, кўсақлар ҳосил бўлиши ва етилиш жараёнини тезлаштириш, эртаги, мўл ва сифатли пахта ҳосили етиштириш учун чилпиш тадбири ўз

вақтида ўтказилиши шарт.

Чилпиш усуллари

Чилпишнинг қўл кучи, механизм ва кимёвий усуллари мавжуд.

Меҳнат ресурслари билан кам таъминланган ёки механик усулда чилпиш мосламаси бор жойларда механизм ёрдамида чилпиш ўтказилади.

Чилпишнинг кимёвий препаратлар ёрдамида чилпиш усули ҳам кейинги йилларда кенг қўлланилмоқда.

Ғўзани чилпишнинг энг самарали усули қўлда чилпиш ҳисобланади. Қўлда чилпиш (поянинг уч қисмини 1-2 см чимдиб олиш) усулида бажарилади.



Ғўзани қўл кучи ёрдамида чилпиш икки босқичда, биринчиси – ғўза бош поясининг энг учидаги қисми (бироз оқиш рангли бўлади) юлиб олинади. Иккинчи босқичда орадан 7-8 кун ўтгач, бўйи паст ғўзалар ва ён шохларнинг учи тўлиқ чилпилади.

Чилпишда ҳар бир ишчининг этаклар билан таъминланиши, юлинган ўсув нуқталари дала ташқарисига кўмиб ташланиши талаб қилинади. Этак билан чилпишга риоя қилиш пахта майдонида кўсақ куртининг сезиларли даражада кам бўлишига олиб келади.

Чилпиш муддатлари

Чилпишнинг мақбул муддатлари ҳар бир туман, фермер хўжалиги ва далалар шароитидан келиб чиқиб белгиланади.

Ғўзани чилпиш асосан суғорилган

майдонларда култивация тадбиридан кейин ўтказилса, самараси юқори бўлади. Шунингдек, суғорилмаган, лекин ғўзалари чанқаманган, барглари сўлимаган, яшнаб турган пайкалларда ўтказиш тавсия қилинади. Ғўзалари чанқатиб қўйилган майдонларда чилпиш ғўзанинг сувдан кейин бачкилаб кетишига олиб келади, чилпиш самарасиз бўлади. Шунинг учун ғўзаси чанқаманган майдонларда аввал суғориш, сўнгра чилпиш тадбирини ўтказиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ғўза пайкалларида тупроқ иқлим шароити, ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши, кўчат қалинлиги ҳамда навларнинг биологик хусусиятларига қараб унумдор ва ўртача унумдор тупроқларда 15-16 ҳосил шохида, унумдорлиги паст ерларда 13-14 ҳосил шохи тўпланганда чилпиш ўтказиш энг мақбул муддат ҳисобланади.

Ғўза қўшқатор экилган жойларда 11-12 ҳосил шохида чилпиш тавсия этилади.

Мақбул муддатда ва сифатли чилпиш катта меҳнат ва харажат эвазига етиштирилган пахта ҳосилининг ортишига, тола сифатининг яхшиланишига олиб келади.

Чилпиш ўтказилган майдонларда дефолиантларнинг самарадорлиги юқори бўлади. Пахта ҳосили мўл, сифати юқори бўлиши билан бирга теримни ёғин-сочинли кунларга қолдирмай қисқа муддатда якунлаш, маҳсулотни юқори навларга сотиш, пировардида иқтисодий самаранинг ортишини таъминлайди.

Умуман чилпиш натижасида ғўза 7-8 кунга эртароқ пишиб етилиши, ҳосилдорлик 7-8 центнергача юқори бўлиши, тола сифатининг 25-30 фоизгача яхшиланиши илм ва амалиётда тасдиқланган.

Вилоятимиз фермерларини бу муҳим агротехник тадбирни қисқа муддатларда, сифатли якунлашга даъват қиламиз.

О. САЛАЙДИНОВ,
Фарғона вилояти “Агрохизматлар”
маркази бўлим раҳбари.

тида танилишига эришди. Шу билан бирга вилоят хотин-қизларининг маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий нашри – “Ойдин” газетаси бош муҳаррири сифатида меҳнат қилишга-да куч топди.

Тўнғич фарзанди ота-онаси йўлидан кетди. Кенжаси инглиз тили мутахассиси. Олти набирасининг оидин истиқболига умид ва ишонч унга куч бахш этади.

Хусусан, унинг қаламига мансуб “Ватани танламайдилар”, “Бетараф”лар кимлар?”, “Устун”ларни қурт емасин!”, “Офтоб”га хиёнат”, “Бозорда нима гаплар”, “Йигит элнинг оридир”, “Иймон дарахти”, “Аёлнинг жони қирқта...ми?!””, “Қулчилик”ка келган “қиролича”, “Умр машъали”, “Боғ”и бор, “боғбон”и йўқлар”, раҳматли Муталиб ака ёзган “Тонгда мудраш”,

кам матбуотнинг тарозиси, моҳияти ётганини англаш унчалик қийин эмас, албатта. Устознинг ўзбек журналистикаси ривожига қўшиб келаётган ҳиссаси, соҳага бўлган садоқати муносиб баҳоланди, меҳнатлари юксак баҳоланди. Хусусан, ўтган йиллар давомида “Шухрат” медалли, “Мўътабар аёл”, мустақиллигимизнинг қутлуғ саналарига бағишланган кўк-

эҳтиёжим сабаб эллик икки йилки, мен ёзишдан тўхтамадим, ўз навбатида у ҳам мени бағрида олиб қолди, сўзимни бошига кўтарди, азия қилди, мени том маънода яшатди! Ундан тоабат миннатдорман!”

... Бу гал ҳам одатдагидек ҳол. Тун ярмига шошилган, осмонда ой ва юлдузлар заминга кўз қадаб турибди. Таҳририят меҳмоси ва яшаш уйининг ораси “икки қадам”. Журналист энг яқин ёрдамчиси—ноутбуги, бир нималарни қоралаб юришга ўрганган ён дафтари ва албатта, содиқ кўзойнагини тутганча уйи томон юриб боради. Унинг ярим кўнгли газетанинг бу галги сони ҳам ёруғ юз билан чоп этилиши умиди билан, ярим кўнгли эса ойда бир марта келадиган меҳмон—қизида.

Хадича опа дарвоза очиб, ҳовлига киради-ю, бетоқатларча кутиб турган қизига бағрини очади, набиралари эса аллақачон ухлаб бўлган эди. “Газетангизни биздан ҳам кўпроқ яхши кўрасиз-а, аяжон!?” – дейди Хуснидаси ҳам рашк, ҳам раҳм тўла кўзларини қадаб. Дилбанди билан дийдорлашаркан, журналист она секин шивирлайди: “Газета ҳам бир болам-да, қизим!”.

Дилнавоз ҚҮЛДОШЕВА.
“Фарғона ҳақиқати”
газетаси, 2022 йил 24 июн.

РУҲИЙ ЭҲТИЁЖ



Хадича Каримова бир умр тирикчиликнинг ялтироқ товланишларига алданмай яшади. Аксинча, хокисорлик, тўғрилиқ ва ҳақиқатгўйлик билан маънавий баланд яшади. Унинг бу сифатлари ёзганларида манамен деб, бўй кўрсатди. Журналист қаламининг энг тирик ва уйғоқ сўзлари иқтисодий-ижтимоий тараққиёт йўлидаги тажрибаларни кўпнинг мулкига айлантиришга, ўқувчисини ижтимоий фаолликка чорлаб турди. Ва яна улар оила ва жамият ўртасидаги муносабатлар, йигитлар ори, қизлар тарбияси, оилавий кадрятларнинг бугунги аҳволотидан сўзлаш, муаммоларнинг ечимини кўрсатиш учун битилди.

“Хўроз қичқирмас, тонг отмайди?” сингари таҳлилий-танқидий, ўқувчини мулоҳазага ундовчи мақолалар республика нашрларида чоп этилиб, фарғоналик журналистларнинг катта юраги, ўткир қалами ва ёниқ тафаккурининг қийматини кўрсатиб бера олди.

“Мен оддий ахборотни ҳам қийналиб ёзаман”, – дейди Хадича опа таниқли ижодкорлар жам бўлган давралардан бирида. Бунга жавобан филология фанлари доктори, профессор, таниқли ёзувчи, устоз журналист Хуршид Дўстмуҳаммад “Қийналиб ёзганингиз учун ҳам сизни таниймиз-да, Хадичахон!” дедилар. Шу икки оғиз сўзлашувнинг замирида чина-

рак нишонлари билан тақдирланди. Хадича Каримова номи “Энг улуғ, энг азиз”, “Йилнинг энг фаол журналисти” республика кўрик-танловлари ғолиби сифатида эътироф этилди. Ўз касбининг моҳираси, фидойиси бўлгани учун ҳам аслан мактов ва олқишлардан қочғувчи бу дилбар аёлнинг ўрни ҳамиша тўрида бўлаверади. Буни меҳнат билан, ижод билан улуғланиш деб, атайдилар.

“Журналистлик мен учун касб эмас, руҳий эҳтиёждир”, – дейди қаҳрамонимиз стол устидаги газета таҳламларига қўл узатар экан. “Касбни истаб-истамай ташлаб кетиш мумкин, аммо руҳий эҳтиёж тириклик билан ҳамоҳангдир. Шу туганмас



«ЗАМОНАВИЙ ҚУРОЛЛАР БИЛАН ҚАЙТАМИЗ» – ЗЕЛЕНСКИЙ ЛИСИЧАНСК БОЙ БЕРИЛГАНИНИ ТАСДИҚЛАДИ



Украина томони шахсий таркибни асраш учун чекинишга қарор қилинганини таъкидламоқда.

Украина президенти Володимир Зеленский 4 июлга ўтар кечаси қилган кунлик мурожаатида мамлакат армияси Луганск областидаги охириги йирик шахар бўлмиш Лисичанскдан чиқиб кетганини тасдиқлади. Аввалроқ Россия Мудофаа вазирлиги шахар руслар қўлига ўтганини эълон қилган, кейинроқ бу маълумотни Украина бош штаби тасдиқлаганди.

АҚШ ЕВРОПАГА ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ БЎЙИЧА ТАРИХДА БИРИНЧИ МАРТА РОССИЯНИ ОРТДА ҚОЛДИРДИ



Июн ўрталарида «Газпром» «Шимолий оқим» газ қувури орқали Европага газ етказиб бериш камайишини эълон қилганди.

Июн ойида АҚШдан Европага суюлтирилган газ етказиб бериш ҳажми илк бор «Газпром» экспортдан кўпроқ бўлди, деб маълум қилди Халқаро энергетика агентлиги раҳбари Фотиҳ Бирол.

E'LONLAR!

Tumandagi tadbirkorlik sub'yektlarini davlat ro'yxatidan o'tkazish inspeksiya tomonidan 2007 yil 24 dekabrda berilgan 1094 guvohnomaga asosan faoliyat olib borgan Voxidjon Zoxidjon Sobirovlar mas'uliyati cheklangan jamiyati (INN: 300653224) ning dumaloq muhri yo'qolganligi sababli **BEKOR QILINADI.**

Tumandagi 14-umumta'lim maktabi tomonidan 2020 o'quv yilida Latipov Ziyodullo Baxtiyor o'g'luga berilgan UM № 0661450 raqamli attestat yo'qolganligi sababli **BEKOR QILINADI.**

Расулulloх (с.а.в.) хадисларидан



Дунёда зоҳид бўлгин, Аллоҳ сени яхши кўради. Одамлар кўлидаги нарсада зоҳид (камсукум) бўл. Инсонлар сени яхши кўради. Саҳл ибн Саъд (розияллоху анҳу)дан.

Ҳоким ривояти.

“Ла ҳавла вала қуввата илла биллаҳ” жумласини айтишни кўпайтиринглар. Чунки у зарарнинг тўқсон тўққизта эшигини даф қилади. Уларнинг энг пас-ти ғамдир. Жобир (розияллоху анҳу)дан.

Ақийлий ривояти.

Дунё ҳаётида илм талаб қилиш имкони берилган бўлса-да, илм талаб қилмаган киши ва илм ўргатиб, ундан бошқалар эшитиб фойдаланган, ўзи наф олмаган киши қиёмат куни инсонларнинг энг хасратлиси бўлади. Анас (розияллоху анҳу)дан.

Ибн Асокир ривояти.

“2002 ҳадис”дан.

(Ҳадиси шарифларда одоб-ахлоқ зикри). “Мунир” нашриёти. Тошкент—2022 йил.

Saboq bekati



Оз-оздан ўрганиб
доно бўлур,
Қатра-қатра йиғилиб
дарё бўлур.
Алишер НАВОЙИ.

Аҳли дониш дейдиларки...

ЁШЛИК ШУ НАРСА БИЛАН БАХТИЁРКИ, УНИНГ КЕЛАЖАГИ БОР

Ёшлик, бу—орзу. Бу—ишонч. Бу—жасоратга интилиш. Бу—лирика ва романтика. Бу—келажакка тузилган улкан режалар. Бу—истикболнинг бошланиши.

Н. ҲИКМАТ.

Ёшлик шу нарса билан бахтиёрки, унинг келажаги бор.

Н. В. ГОГОЛЬ.

Ёшлик ҳамиша фидойилиқдир.

А. И. ГЕРЦЕН.

Ёшлик—доноликни ўрганадиган палла, кексалик эса уни қўллайдиган пайтдир.

Ж. Ж. РУССО.

Дунёда ҳеч нарса кишини ўспиринлик йилларида мусаффо ва олижаноб қилолмайди, кучли ижтимоий манфаат уларни асраб-авайлайди.

Ёшлиқда нимани эксанг, улғайганда ўшани ўрасан.

Г. ИБСЕН.

Ёшлик пайтида шундай улғу фикрлар туғиладики, бу фикрлар келажакда инсонни кўкларга кўтариши лозим.

К. ГЕЛЬВЕЦИЙ.

Ёшларнинг онгида қандай кайфият устунлигини айтсанг, мен сенга кейинги авлоднинг табиати қандай бўлишини айтиб бераман.

Э. БЕРК.

Ёшлар эртанги куннинг асосий куч-қудратидир.

А. В. ЛУНАЧАРСКИЙ.

Ёшлигингни асра. Дунёда ундан яхши палла йўқ. Ундан қимматли нарса ҳам йўқ! Ёшлигингни худди олтин каби, истаган нарсага ишлатишинг мумкин.

М. ГОРЬКИЙ.


“Тафаккур гулшани”дан.

Ғафур Ғуллом номидаги

Адабиёт ва санъат

нашриёти.

Тошкент—1989 йил.



Табиатнинг ўзи мусаввир

Ақл-ақлдан қувват олар

ОЛТИН ТОПИЛАР, ЁШЛИК ТОПИЛМАС

Мазмуни: “Ёшликни сенга боғлаб бериб қўймайди, вақтида унинг қадрига ет. Ёшлигингда, яъни куч-қувватинг борида қилар ишингни қилиб қол, қариганингдан кейин, яъни куч-қувватдан қолганингдан кейин кеч бўлади, афсус қиласан”. “Қаримагунча—йигитлик қадрини билмас”, “Олтин топилар, ёшлик топилмас”, “Ёшлиқда қилинган иш қариганда эгасини кутиб олади”, “Ёшлиқдаги ғайрат—кексалиқда роҳат”.

“Ҳикматнома”дан.
Тошкент—1990 йил.

(Давоми. Боши ўтган сонларда).
—Бу Мегиддонинг фалсафаси, меники эмас,—унинг гапини бўлдим.
—Мегиддо ва сеники. Икковингизнинг шу фалсафангиз туйғайли биз Да-

ди Шарру-Нада. —Сенинг бобонг иш-лашни севгани учун ҳам Худо уни ёрлақди.

—Ҳа, мана энди тушуяпман,—деди Хадан Гула уйланиб. —Бобом айни

—Ҳаёт лаззатларга тўла,—деди Шарру-Нада. —Лекин, ҳар бир хузур-ҳаловатнинг ўз ўрни бор. Меҳнат қилиш фақат қулларнинг вазифаси эмаслигидан хурсандман, акс ҳолда, мен дунёнинг энг буюк завқидан бебаҳра қолардим. Мен кўп нарсалардан мазза қиламан, аммо меҳнат қилишдек лаззатга ҳеч нарса тенглаша олмайди.

Шарру-Нада ва Хадан Гула Вавилоннинг маҳобатли бронза дарвозаси олдида етиб бордилар. Қўриқчилар яқинлашиб келаётган хурматли фуқарога тавозе билан салом беришди. Шарру-Нада отда мағрур ўтирганича, узундан-узун карвонини дарвозадан ичкарига киритиб, асосий кўчадан шаҳар марказига йўналтирди.

Мен ҳар доим бобомга ўхшашни орзу қилардим,—дилени очди Хадан Гула. —Бироқ у қанақа одам бўлганини уйлаб кўрмаган эканман. Сиз кўзларимни очдингиз. Энди мен бобомни янада кўпроқ севайпман, унга ўхшаш истаги янада кучайди. Омадим калитини қўлимга тутқаздингиз, бу яхшилигингизга муносиб жавоб қайтара олмайманми деб кўрқаман. Мен ҳам худди бобомдек йўл тутиб, бойлик орттира бошлайман. Зеб-зийнат эмас, меҳнат ҳаётим мазмунига айланади!

Шу гапларни айтиб, Хадан Гула бармоқларидан узукларини, қулоғидан сирғани ечиб олди ва отини тўхтатиб, хўжайинини олдинга ўтказиб юборди.

(Давоми бор).

Билиб қўйган маъқул

АСАЛАРИ ЗАҲРИ – КУЧЛИ АНТИБИОТИК

Асаларини чақтириш ёки унинг тиббиёт йўли билан олинган захрини қўлаш орқали қадим-қадимдан турли касалликларни даволаб келинган. Ҳозирги замон тиббиётида ҳам асалари захри кенг миқёсда қўлланилмоқда. Чунки кучли антибиотик модда ҳисобланган асалари захри таркибида кўплаб шифобахш моддалар мавжуд, улар турли касалликларни (айниқса асаб, тери, қон томир касалликларини) даволаш ва олдини олишда самарали воситадир.

Бундан ташқари, бел оғриғи, юз нерви фалажи, полиневрит, қовурғаларо неврит ва невралгиялар, шунингдек узоқ вақт битмаган яралар, қон томир хасталиклари, атеросклероз, бронхиал астма, мигрен, гипертониянинг 1- ва 2-босқичлари, қулоқ, бурун ва томоқ хасталикларини даволашда асалари захридан фойдаланилади.

Лекин жигар ва меъда касалликларининг ўткир даврида, буйрак дардларида, сепсис, яъни қон таркибида йиринг бўлганда, қон касалликларида, шунингдек, ҳомилдорликда асаларига чақтириш муолажаси қўлланилмайди.

(Давоми бор).

“Сиҳат-саломатлик” журналидан.

ВАВИЛОНЛИК БАХТЛИ ОДАМ

Жорж Самюэл Клейсон

машққа кўчиб кетамиз, сен менга ҳамкор бўласан. Кўрдингми, бир онда сен озод кишига айландинг!—дея хитоб қилди Арад Гула ва қўйнидан менинг қўллим билан битилган ҳужжат-тахтачани чиқарди. Кейин уни боши узра баланд кўтариб, уч-тўрт бўлакчаларга бўлди-да, тошга ташлаб, то улар тупроққа айланиб кетгунча этигининг пошналарида узоқ эзиб-янчди. Кўзларимдан миннатдорчилик ёшлари тинмай оқарди. Тушундимки, —Вавилондаги энг бахтли инсон ўзиман...

Кўрдингми, ҳаётимнинг мушкул дамларида меҳнат менинг содиқ дўстимга айланди. Ишлаш иштиёқи девор қурилишига юборилган бахти қарорларнинг қисматидан асраб қолди. Бобонг ҳам меҳнатсевар, тириш-қоқлигимдан таъсирланиб, мени ўзига ҳамкор қилиб танлади.

—Бобомнинг бойиш сирини,—меҳнатдами?—сўради Хадан Гула.

Биз танишганимизда, меҳнат қилиш у биладиган ягона сир эди,—жавоб бер-



меҳнати орқасидан кўплаб дўстлар орттирган. Унга кўрсатилган эъозу, чексиз ҳурмат-эҳтиромларга у меҳнат қилиб эришган эканда, мен бемалол фойдаланган барча бойликларини ҳам. Мен эса ишлаш қулларнинг тақдирига битилган деб ҳисобларканман.

Азиз муштарий! Ҳафтаномамизда улғу аждодларимиз ҳаёти ва ҳикматлари чоп этилаётганлиги учун уни ножоиз ерларга ташламанг!

ИСТИҚБОЛ YO'LI
МУАССИС:
ҚўШТЕПА ТУМАНИ
ҲОКИМИЯТИ ВА ТАХРИРИЯТ
ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

Бош муҳаррир:
Умидаҳон ХУДОЙБЕРГАНОВА
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
Фаргона вилояти бошқармаси томонидан
2007 йил 9 январда 12-012 рақами
билан рўйхатга олинган. Бичими А-3

МАНЗИЛИМИЗ:
151111,
Марғилон шаҳар,
Бобур номи маҳалла,
Соҳибкор кўчаси, 4-уй.
Телефон ва факс:
муҳаррир (55) 801-17-54

ГАЗЕТА ТАХРИРИЯТИНИНГ
Pentium - IV
КОМПЮТЕРИДА
ТЕРИЛДИ ВА
САҲИФЛАНДИ.
Дизайнер:
Отабек Ерматов

«Полиграф-Пресс» МЧЖ
босмаҳонасида 3100
нусада чоп этилди.
Бахоси келишилган нарҳда.
Манзил: Марғилон шаҳар,
Туркистон кўчаси,
236 «Б» уй.

Нашр кўрсаткичи:
64875
Буюртма № 457
Топшириш вақти 18.00
Топширилди 18.00

Ушбу сонга масъул:
Гулчехраҳон Асронува
ISSN 2010-9253
9 177 2010 9253 07